**"Т А С Д И Қ Л А Й М А Н"**

**Учкўрғон туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш бўлими бошлиғи танлов комиссияси раиси**

**________________________М.Махкамов**

**«06» ___06____ 2022 йил.**

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТИНИ МАЗМУНИ:

I. **Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

II. **Техник қисм**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Учқўрғон туман **Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими** тасарруфидаги Ёрду МФЙга спорт майдончаси қуриш.

Танловнинг юқори киймати ҚҚС билан 291075236 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.5. Ишларни бошланиш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИСИ

2.1. Учқўрғон туман **Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими** (бундан кейин – "Буюртмачи" деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Наманган вилояти Учқўрғон тума Дўстлик кўчаси - 33 уй. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий ва бошқа талаблар қуйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Низом, гувохнома, (агар халқаро сертификат мавжуд бўлса);
- Танлов таклифини таъминлаш тўғрисидаги Декларация;
- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ходимлари);
- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, бухгалтерия баланс хужжат-лари; салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот;
- Лойиҳалаш (Қурилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳаланадиган объектни ўрганганлик тўғрисида маълумот;
- Танлов иштирокчисининг солик тўловларидан бўлмаган қарздорлик маълумоти;
- Танловдаги охирги 3 йиллик иш тажрибаси (шу жумладан танловга қўйилган объектга ўхшаш объектлар бўйича);
- Мавжуд машина ва механизмларва бошқалар рўйхати.
- танлов иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) объектлари;
- Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов хужжатлар (техник қисм, ташкил этилаётган нарх ва қурилиш ишларини бажариш муддати) мухрланган холда электрон равишда жойланади.

4.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (шакллар илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълукли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

1-жадвал

Таклиф хужжатларини ишлаб чиқиш учун техник баҳолаш варағи

| Т/р | Шаклларни баҳолаш параметрининг номи. | шакл № | Баллар миқдори | Оферентлар | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | №1 | №2 | №3 | ... |
| 1 | Декларация | | | | | | |
| 2 | Ташкилотнинг ташкилий структураси | 2-шакл | 15 | | | | |
| 3 | Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар | | | | | | |
| 4 | Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи | 3-шакл | 20 | | | | |
| 5 | Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари | 4-шакл | 15 | | | | |
| 6 | Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси | 5-шакл | 20 | | | | |
| 7 | Машина ва механизмлар рўйхати | 6-шакл | 21 | | | | |
| 8 | Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот | 7-шакл | 5 | | | | |
| | Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома | 8-шакл | 2 | | | | |
| | Ҳужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома | 9-шакл | 2 | | | | |

## VIII. Танлов таклифларини бахолаш меъзонлари

8.1. Танлов хужжатида хар бир параметр бўйича мажбурий тартибда бахолаш меъзонлари киритилиши керак.

8.2. бахолаш меъзонлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

*Наманган вилоят Учқўргон туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими буюртмачилигида объектларнинг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқишда объектлар бўйича танлаш таклифларини техник*

### *БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ*

| **Т/р** | **Шаклларни баҳолаш параметрининг номи.** | **Баллар миқдори** |
|---|---|---|
| **I. Декларация** | | |
| 1. | Пудратчи томонидан танловда иштирок этишга ва ўз таклифидаги зиммасига олинган мажбуриятлар ижросини сўзсиз кафолатловчи декларация | |
| **II. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл** (15 балл) | | |
| 1. | Ташкилот структураси | 1 |
| 2 | Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли курилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. | 3 |
| 3. | 3 йил иш стажига эга 1 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар) | 3 |
| 4. | Ишлаб чикариш техника бўлимида 3 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги. | 2 |
| 5. | Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги. | 4 |
| 6. | Мехнатни мухофаза килиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги | 2 |
| **III. Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3 ва 4-шакллар** (35 балл) | | |
| 1. | Асосий воситаларнинг колдик киймати 250 млн. сўм ва ундан кўп | 10 |

| | | |
|---|---|---|
| 2. | Муддати ўтган кредиторлик карздорлиги мавжуд эмаслиги | 10 |
| 3. | Ўтган йилда 40 млн.сўм фойдаси (солик тўлангунга кадар) мавжудлиги | 8 |
| 4. | Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20%гача микдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (иштирокчининг баланс ҳисоботи ва молиявий ҳисоботларидан асосида баҳоланади) | 7 |
| **IV. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси. 5-шакл** (11 балл) | | |
| 1 | Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N — Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. | 10 |
| 2. | Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш. | 10 |
| **V. Машина ва механизмлар рўйхати, 6 – шакл**(21 балл) | | |
| 1 | **Лойиҳани бажариш учун** зарур бўлган 3 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чикарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) курилиш машина ва механизмларини мавжудлиги | 10 |
| 2. | **Лойиҳани бажариш учун** зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги | 11 |
| **VI. Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл** (5 балл) | | |
| 1. | Танлов предмети — объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида лойиҳани бажариш учун керакли бўлган инжинер-техник ходим (камида 1-2 киши) ҳамда машина ва механизмлар бошқа объектларга жалб этилганлиги баҳолаш даврида инобатга олинади — **2 ва 7-шакллар** | 5 |
| **Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 8-9-шакл** (2 балл) | | |
| 1. | Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги | 4 |

**Изоҳлар:**

* 3-шаклга кейинги 3 (уч) йиллик “Молиявий натижалар №1 ва №2” илова қилинади.

** Танлаш таклифларини баҳолашда ёрдамчи ташкилотлардан жалб этилган машина ва механизмлар ҳисобга олинмайди.

Танлов иштирокчиси янги қурилиш ва реконстукция қилиш объектларининг баҳолаш якунларига кўра 70 баллдан кам балл тўпласа, мукаммал таъмирлаш объектлари бўйича баҳолаш якунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа, жорий таъмирлаш объектлари бўйича баҳолаш якунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа таклиф рад этилади.

Таклиф қуйидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди:

- агар таклиф танлаш комиссиясининг балл бериш натижаларига кўра техник малакаси етарли эмас деб топилса;

- 2, 3, 4 ва 6 шакллардан бирортаси мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га тенглаштирилади ва қолган хужжатлар кўриб чиқилмайди.

Иштирокчиларнинг таклифлари қуйида кўрсатилган танлаш таклифларининг молиявий ҳисоблаш мезонларига биноан баҳоланади:

## IX. Танлов таклифларини молиявий қисмини баҳолаш мезонлари

| Т/р | Иловаларни баҳолаш параметрининг номи. | Баллар миқдори | Оферентлар | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | №1 | №2 | №3 | ... |
| **I. Таклиф этилаётган нарх (30 балл)** | | | | | | |
| 1 | Иштирокчининг таклиф этган энг паст нархи – 30 балл<br>Иштирокчининг буюртмачи бошланғич нархидан юқори нархлари рад этилади. Нархга бериладиган баллар Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси “etender.uzex.uz” портали томонидан автоматик тарзда баҳоланади. | 30 | | | | |
| **II. Биринчи йиғма жилдни баҳолашдаги баллар миқдори**<br>**Танлов таклифларининг баҳолаш варағи (60 балл)** | | | | | | |
| 1. | Танлов таклифларини техник баҳолаш якунига кўра кўп балл тўплаган иштирокчига – 70 балл. | 70 | | | | |

9.1. Агар бахолаш мезонида бошқа маълумотлар келтирилган бўлса, ўрганиш натижаларига кўра бахолар гурухи аъзолари танлов таклифларининг қуйидаги бахолаш якуний жадвалини тўлдиришади:

| Т/р | Иловаларни баҳолаш параметрининг номи. | Баллар миқдори | Оферентлар | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | №1 | №2 | №3 | ... |
| **I.** | **Таклиф этилаётган нарх (30 балл)** | | | | | |
| 1 | Таклиф этилаётган нарх (нарх преференцияларини ҳисобга олган ҳолда). | 30 | | | | |
| 2. | Танлов таклифларини бахолаш вароғи (техник бахолаш). | 70 | | | | |
| | Жами баллар миқдори | 100 | | | | |

9.2. Танлов бўйича энг кўп балл тўплаган иштирокчи танлов ғолиби ҳисобланади.

9.3. Танлов ғолибига тўловлар тузилган шартнома асосан Ўзбекистон Республикаси милий валютаси (сўм)да тўлаб берилади.

**Танлов таклифини таъминлаш тўғрисида**

**Д Е К Л А Р А Ц И Я**

__________________________________________________________________

(ташкилот номи)

__________________________________________________________________

(объект номи)

Кимга:

Биз қуйида имзо чекувчилар, шуни билдирамизки:

Контракт шартномаларига мувофиқ, танлов таклифимиз ушбу таклифни таъминлаш тўғрисидаги Декларация билан қўллаб қувватланади.

Агар танлов шартлари бўйича мажбуриятларимиз қуйидагилар оқибатида биз томонидан бузилганда, Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси билан Инвестиция дастурлари ва махаллий бюджет маблағлари бўйича тузиладиган хар қандай контракт учун танлов таклифини тақдим этиш ҳуқуқини Буюртмачининг билдиришномаси олинган пайтдан бошлаб 5 йиллик даврга йўқотишимизни қабул қиламиз:

- Танлов таклифномасида кўрсатилган танлов амал қилиш даврида бизнинг таклифимизни қайтариб чиқариб олсак;

- танловни амал қилиш даврида бизнинг таклифимиз қабул қилинганлиги тўғрисида буюртмачидан билдиришнома олганимиздан сўнг, контрактни бажариш талаб этилганда контрактни бажармасак ёки бажаришдан бош тортсак, контрактни бажариш кафолатномасини тақдим қилмасак, ёки тақдим қилишдан бош тортсак.

Танлашда бизнинг таклифимиз ғолиб деб топилмаган тақдирда, мазкур декларация ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

____________________ (имзо) ____________________

(Ташкилот номи) (фамилияси ва исми)

М.Ў

2022 йил “______” ____________________

2 - ШАКЛ

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Танлов иштирокчисининг номи ________________________________________
Иштирокчи раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ________________
Манзили ва телефон (факс) рақами ____________________________________
Юридик макоми ____________________________________________________
Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйрук рақами) __________
Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) ____________________

**Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:**

| Тартиб Т/р | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | Қурилишдаги иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |
| | | | | | |

**Асосий ходимлар** (участка, бўлим бошликлари, иш юритувчи, уста, ишлаб чиқариш бўлими муҳандислари ва бошкалар)

| Т/р | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | Қурилишда иш тажрибаси (йил) | Участка (бўлим) номи, эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |

**Доимий ишчи ходимлар (ишчилар)**

| Т/р | Мутахассисликлар номи | Жами сони, шу жумладан мутахассисликлар ва разрядлар бўйича | Улардан (3-устундан) малакасини тасдиқловчи хужжати борлари | Улардан (4-устундан) Қурилишда 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси борлари |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | Жами | | | |
| | Шу жумладан: | | | |
| | Бетончилар _____ разрядли | | | |
| | Ғишт терувчилар ____ разрядли | | | |
| | Том курувчилар _____ разрядли | | | |
| | Пайвандчилар _____ разрядли | | | |
| | Сантехниклар _____ разрядли | | | |
| | Дурадгорлар ____ разрядли | | | |
| | ва бошкалар | | | |

Кадрлар бўлими бошлиғи: /имзо ва муҳр/

Танлов иштирокчи раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: "_____" __________ 20___ й.

**Изоҳ:** *Танлов иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги статистика ҳисоботларининг нусҳалари ҳамда ишчи ходимлар учун ушбу ташкилотда камида 1 йиллик доимий иш фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.*

**3 - ШАКЛ**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

*(Шаклга кейинги 3 йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги ҳисобот илова қилинади)*

______________________________________________________________________

*(танлов иштирокчисининг номи)*

| **АКТИВЛАР** | **2019 й** | **2020 й** | **2021 й** | **ПАССИВЛАР** | **2019 й** | **2020 й** | **2021 й** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Узоқ муддатли активлар** | | | | **Ўз маблағлари манбаи** | | | |
| Асосий воситалар | | | | Устав капитали | | | |
| Шундан Ишлаб чикариш фондлари | | | | Таксимланмаган фойда | | | |
| Қолдиқ киймат | | | | **Мажбуриятлар** | | | |
| Капитал қуйилмалар | | | | Займлар | | | |
| Тугалланмаган ишлаб чикариш | | | | Кредитор карздорлик | | | |
| **Жорий активлар** | | | | Шундан муддати ўтган карздорлик | | | |
| Айланма маблағлар | | | | Шундан бюджетдан карздорлик | | | |
| Улардан ишлаб чиқариш захиралари | | | | Шундан иш ҳақидан карздорлик | | | |
| Дебитор қарздорлик | | | | | | | |
| Шундан муддати ўтган карздорлик | | | | | | | |
| Жами баланс активи бўйича | | | | Жами баланс пассиви бўйича | | | |

### МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

| **Номи** | **2019 й** | **2020 й** | **2021 й** | **Номи** | **2019 й** | **2020 й** | **2021 й** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Реализациядан олинган тушум | | | | 8. Соф фойда | | | |
| 2. Реализациядан олинган соф тушум | | | | Шундан асосий фаолият бўйича | | | |
| 3. Реализация килинган махсулотнинг ишлаб чикариш таннархи | | | | Умумхўжалик фаолият бўйича | | | |
| 4. Маъмурий харажатлар | | | | 9. Асосий фаолиятдан олинган фойда | | | |
| 5. Бошка харажатлар | | | | 10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда | | | |
| 6. Даромад солиғи тўловигача фойда | | | | 11. Зарар | | | |
| 7. Даромад солиғи | | | | шундан асосий фаолиятдан | | | |
| | | | | умумхўжалик фаолиятдан | | | |

Баланс фойдаси ___________________________________________________________

Охирги 3 йилда банкротлик ёки тўлов кобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми?_______

## Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот

| СТИР | Қурилиш ташкилоти тоифаси | Ташкилот томонидан ўтган йил (20___ йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Асосий восита лар колдиқ (баланс) қиймати Ф-1, 012-сатри | Тўловга кодир лик ёки коплаш коэффи циенти (1,25) =5/(6-7) | бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар | | | Ўз айланма маблағлари билан таъминлан ганлик коэффициенти (020) =(9+10+11-12)/13 | бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар | | | | |
| | | | | 390-сатр | 770-сатр | 490-сатр | | 480 - сатр | 570 - сатр | 580 - сатр | 130 - сатр | 390 - сатр |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| | | | | | | | | | | | | |

Қоплаш коэффициенти (тўловга кодирлик) ташкилотнинг киска муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни кулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошка элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффициент куйидаги формула бўйича ҳисоблаб чикилади:

$$\text{Кпл} = \frac{\textbf{Жорий (айланма) активлар}}{\textbf{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{\textbf{А2}}{\textbf{П2 - ДО}}, \text{ бунда:}$$

**А2** - жорий (айланма) активлар (ишлаб чикариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик карзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

**П2** - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

**ДО** - узок муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга кодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст кийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга кодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий баркарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент куйидаги формула бўйича аникланади:

$$\text{Кос} = \frac{\textbf{(П1 + Дзк2) - А1}}{\textbf{А2}}, \text{ бунда:}$$

**А1** - узок муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қуйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

**П1** - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, таксимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

**Дзк2** - узок муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узок муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан ҳисоблаб чикиш йўли билан).

Ушбу касрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, махраж - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам киймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам кийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Раҳбар ______________________ Бош ҳисобчи ________________

Мухр ўрни

Сана: “____”_________________20__ й.

**Изох:** *Оферентнинг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясиниг ижобий хулосасини тақдим этиши мумкин. Баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.*

**4 - ШАКЛ**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШ ҲАҚИ ЖАМҒАРМАСИ ВА ХОДИМЛАР ЎРТАЧА СОНИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| **Давр** | **СТИР** | **Махсулот (товар ва хизмат)ларни реализациясидан соф тушум (Ф-2, 010-сатри), минг сўмда** | **Иш ҳақи жамғармаси, минг сўмда** | **Ходимларнинг ўртача сони** (*ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб*) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| X | | X | X | X |
| Ўтган йил (2020 йил) якуни бўйича | X | | | |
| Жорий йил (2021 йил) охирги ҳисобот даври бўйича | X | | | |
| Жами | X | | | |

**шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи**

_____________

**шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси камерал назорат бўлими бошлиғи**

_____________

***Банкнинг (туман ёки вилоят бўлимининг) кафиллигида юқори турувчи банк ёки кредит қўмитаси билан келишилган (рақам…сана…раҳбарнинг Ф.И.О.) бор лимитлар ва кредит ресурслар тасдиғи мавжудлигини ҳисобга олиш зарур.***

**5 - ШАКЛ**

## ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

____________________________________________________________

*(танлов иштирокчисининг номи)*

| | **Объект номи, пудрат шартномаси суммаси, ишларнинг бошланиш ва якунланиш санаси** | **Буюртмачи номи** | **Бажарилган ишлар суммаси** | **Шундан йиллар бўйича** | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | **2019й.** | **2020й.** | **2021 й.** |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | Жами: | | | | | |

Ташкилот раҳбарининг имзоси: ________________

Тузилган санаси: “_____” _____________ 20__ й.

Тасдиқланган: ________________________________

*(бош ҳисобчи имзоси)*

**Изоҳ:** *Маълумотлар иштирокчи томонидан ҳар бир объект бўйича ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва бажарилган ишлар далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.*

**6 - ШАКЛ**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРИ РЎЙХАТИ

| Т/р | Номи | Маркаси | Сони | Ишлаб чиқарилган йили | Қуввати | Техник холати | Балансида ёки ижарада |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| **ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАЛАРИ** | | | | | | | |
| 1 | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | |
| | Ҳаммаси | | | | | | |
| **КИЧИК МЕХАНИЗМЛАР** | | | | | | | |
| 1 | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | |
| | Ҳаммаси | | | | | | |

Ташкилот раҳбарининг имзоси: ________________

Тузилган санаси: “_____” __________ 20__ й.

**Изохлар:**

*1. 8 устунга қурилиш техникасининг танлов иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижарага олинганлиги тўғрисидаги маълумот киритилади.*

*2. Ижара ва лизинг асосидаги техника ижарага олинганда ижарага берувчининг кафолат хати, лизинг шарномасининг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажариш даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).*

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЖОРИЙ ДАВРДАГИ БОШҚА (ПУДРАТ ШАРТНОМАЛАРИ) ОБЪЕКТЛАРИ

| Т/р | Буюртмачи номи | Объект номи | Шартнома бўйича бажарилган ишлар суммаси | Шартнома суммаси, бошланиш ва якунланиш санаси | Мавжуд машина ва механизмлар номи | Танловнинг предмети – лойихани бажариш вақтида бошқа объектларга жалб этилган машина ва механизмлар сони – (ойлар бўйича) | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _________________

Тузилган санаси: “_____” ___________ 20___ й.

**Изоҳлар:**

1. *Бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.*
2. *Объектда бажарилиши лозим бўлган қурилиш ишлари учун келгусида жалб этиладиган машина ва механизмлар сони кўрсатилади.*

**8 - ШАКЛ**

## ҚУРИЛИШ МАЙДОНЧАСИНИ КЎЗДАН КЕЧИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА

Ушбу билан тасдиқланадики, мен ______________________________________
(Ф.И.О, лавозими.)
______________________________________________ томонидан 20___йил __________да берилган ишончномага асосан қуйидагиларни батафсил ўргандим:

а) танлов ҳужжатларини;

б) лойиҳа ҳужжатларини.

Мазкур шартномани сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, келгусидаги ишларнинг қийматига, ҳажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа ҳолатлар ҳамда қурилиш майдони билан танишдим. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ўз таклифимизда ҳисобга олинган.

**Изох:** *Ушбу шаклда объектни ўрганиб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, кириш йўллари, муҳандислик тармоқларининг мавжудлиги, мавжуд бино ва иншоотлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа масалалар қурилиш генплани кўринишида тақдим этилади.*

Қатнашчининг ваколатли вакили:_________________________ ________________
(Ф.И.О) имзо

Буюртмачининг ваколатли вакили:_________________________ ________________
(Ф.И.О) имзо

Ташкилот раҳбарининг имзоси: ________________

Тузилган санаси: “_____” ___________ 20___ й.

**9 - ШАКЛ**

# ҲУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ ВА ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ ИШОНЧНОМА

Ташкилотнинг номи ________________________________________________.
Ташкилотнинг манзили ______________________________________________.

Мен, юқоридаги иштирокчи ташкилот раҳбари, мазкур ишончнома билан ________________________________га иштирокчи номидан
(*фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаган лавозими*)
________________________________________ объекти
(*танлов савдоси предмети номи*)
бўйича танловда қатнашиш ва иштирокчи номидан ҳужжатларга имзо чекиш ваколатини бераман. Бу ердаги барча маълумотлар аслига тўғри ва ҳақиқий бўлиб, биз бу ерда қилинган ҳар қандай нотўғри ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий томондан жавобгармиз.

Юқоридагиларга гувоҳлик бериб, мазкур ҳужжатларга ўз имзоларимизни қўйдик

________________________________ ____________________
(*ишонч билдирувчининг Ф.И.О.*) (имзо)

________________________________ ____________________
(*ишонч билдирилганнинг Ф.И.О.*) (имзо)

"____" ___________ 20___ г.

**Изох:** *Танловда иштирокчининг раҳбари ишончномасиз иштирок этади.*